

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.PED.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

УМАРОВ ХУРШИД ХАСАНОВИЧ

**10-12 ЁШЛИ ГИМНАСТИКАЧИЛАРНИ МАХСУС ҲАРАКАТ
ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСЛУБИЯТИ**

**13.00.04- Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчик - 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам.**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Умаров Хуршид Хасанович

10-12 ёшли гимнастикачиларни махсус ҳаракат тайёргарлигини
ривожлантириш услубияти.....3

Умаров Хуршид Хасанович

Методика развития специальной двигательной подготовки гимнастов
10-12 лет29

Umarov Xurshid Xasanovich

Technique for the development of special motor training for gymnasts
10-12 years old.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....59

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.PED.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

УМАРОВ ХУРШИД ХАСАНОВИЧ

**10-12 Ёшли гимнастикачиларни махсус ҳаракат
тайёргарлигини ривожлантириш услубияти**

**13.00.04- Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1/PhD/PeD847 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.uzdjtsu.uz ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алламуратов Шухратулла Иноятович
биология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ханкельдиев Шер Хакимович
педагогика фанлари доктори профессор

Хуррамов Жасур Қўйлиевич
педагогика фанлар бўйича фалсафа доктори
(PhD) доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон-Финландия педагогика
институтини**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 16-октябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail:uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети «Б» биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (211382 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2021 йил 16-октябрь куни тарқатилган.
(2021 йил 16-октябрь да 36 рақамли реестр баённомаси)



М.Р.Болтабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Ф.А.Керимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ёш гимнастикачиларнинг замонавий спорт ютуқларини жадал ўсиши шуғулланувчиларни ёш кўрсаткичларини ўзгарганлиги билан белгиланмоқда. Ёш гимнастикачиларни истиқболли мусобақаларга тайёрлаш масаласи кўп йиллик тайёргарликнинг барча омилларини ҳисобга олиш талабини қўймоқда. Бундай омилларнинг бири - ҳаракат қобилиятларини ривожлантириш ва вақтнинг минимал оралиғида энг юқори натижаларга эришишга ёрдам берадиган самарали воситалар ва усулларни излаб топиш асосий муаммо ҳисобланади. Шу туфайли, амалий ва ўргатувчи характердаги янги усуллар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва яратиш зарурати билан боғлиқ бўлган муаммоли ҳолат юзага келмоқда.

Жаҳондаги гимнастика соҳасидаги етакчи фундаментал назариячиларни гимнастика кўпкурашида ёш гимнастикачиларни жисмоний ва техник тайёргарлик даражаларини такомиллаштириш бўйича кўп сонли илмий изланишлар амалга оширилган бўлиб, уларнинг натижалари мазкур соҳада рақобатни ортиши гимнастикачиларнинг махсус ҳаракат тайёргарлигини ривожлантиришда қўлланиладиган восита ва услубиятларни оптимал турларини ишлаб чиқиш талаб қилинишини кўрсатади. Сўнгги йилларда ҳаракатлари мураккаб бўлган координацион спорт турлари билан шуғулланиш ёшини кескин ўзгариши туфайли, гимнастикачиларни танлаш ва йўналтириш 10-12 ёшидан кўпкурашнинг олтита турлари бўйича мусобақа дастурига тайёрлаш зарурияти юзага чиқмоқда.

Республикамизда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, аҳоли ўртасида спортни ривожлантириш, хусусан, гимнастика спорт турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Гимнастика спортида натижаларни кескин ўсиши ва янги замонавий усулларни ишлаб чиқиш зарурати туфайли “таълим муассасалари ўқувчи ва талабалари, аҳолининг кенг қатламлари ўртасида соғломлаштириш, жисмоний тарбия, оммавий спорт ишларини ташкил этиш, комплекс спорт мусобақаларини ўтказиш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва уларни мақсадли тайёрлаш”, шуғулланувчиларнинг сонини кескин ортиши, истиқболли ёшларни мураккаб координацион ҳаракатли спорт турларига саралаш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда.¹ Охирги йилларда спорт гимнастикаси бўйича халқаро мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритишда рақобатнинг кескинлашуви ёш гимнастикачиларни тайёрлашнинг янги тизимини ишлаб чиқишни ва уларнинг фуқционал ва координацион қобилиятларини уйғун шакллантириш учун мажмуавий илмий тадқиқотларни олиб боришни, юқори натижаларга эришиш соҳасида прогрессив ва информацион технологияларни ишлаб чиқишни,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3031-сон “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 2017 йил 3 июнь 1-бет

ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари учун ёш гимнастикачиларнинг техник, махсус ва ҳаракат тайёргарлигини муҳим компонентларини ақс этадиган дастурлар мазмунини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказишни талаб қилмоқда

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3031-сон Қарори, 2016 йил 7 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида гимнастиканинг спорт турларини ривожлантириш тўғрисида»ги ПҚ-2654-сон Қарори, 2020 йил 24 январдаги «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5924-сон Фармони ҳамда бу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий – маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва ошириш йўллари» билан боғлиқ устувор йўналишига мос равишда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий (Л.Я.Аркаев, Н.Г.Сучилин, В.Ю.Менхин, Е.Ю.Розин, В.М.Смолевский, Ю.К.Гавердовский) ва Республикаимизнинг (М.Н.Умаров, А.К.Эштаев, Д.Р.Иштаев) мутахассисларнинг таъкидлашича, гимнастикачиларни тайёрлашнинг ихтисослаштирилган босқичини асосий вазифаси – улар томонидан юқори спорт маҳоратига эришиш истиқболини аниқлаш ҳисобланади.² Мазкур компонент, кўпкураш турларида ёш гимнастикачиларнинг махсус жисмоний (МЖТ) ва техник (ТТ) тайёргарлиги даражаларини ортиб бораётган ўзаро алоқадорлиги билан белгиланади. Асосий эътибор, тренировка таъсири остида кам ўзгарадиган консерватив белгиларга эмас, балки уларни, бир неча йиллар давомида ўзлаштирган махсус тайёргарлигини ҳар хил таркибий қисмларига қаратилиши керак.

²Аркаев Л.Я., Розин Е.Ю. Возраст, росто-весовые показатели и мастерство гимнастов-юниоров // Теория и практика физ. культуры. 1999, № 5. С. 47-51. / Аркаев Л.Я., Сучилин Н.Г. Как готовить чемпионов. / Теория и технология подготовки гимнастов высшей квалификации. М.: ФИС 2004. – 326 с./ Менхин Ю.В. Физическое воспитание: теория, методика, практика: Учеб. пособие для студентов вузов физ. культуры.–М.: Спорт академ Пресс, 2003.– 322 с./ Розин Е.Ю. Физическая подготовка гимнастов: Учеб. пос. РГАФК, 2002.– 137 с./ Смолевский В.М., Гавердовский Ю.К. Спортивная гимнастика: Учеб. Для ДЮСШ, СДЮШОР.– Киев: – 1999. – 462 с./ Гавердовский Ю.К. Обучение спортивным упражнениям. Биомеханика. Методология. Дидактика. М.: Советский спорт, 2008. - 912 с./ Умаров М.Н. Предмет и методы специализированной технической подготовки в гимнастике//«Фан спорта». 2008. №3. – С.39-44. /Умаров М.Н. Начальная, базовая подготовка гимнастов на видах гимнастического многоборья// «Фан спорта». 2009. №1. – С.32-38./Эштаев А.К., Умаров М.Н. Планирование и распределение средств тренировки гимнасток на начальном этапе подготовки: Учебное пособие – Ташкент, 2004 – 156 с.

Шу билан бирга, А.К.Эштаев (2007), J.Libra (2015) М.Н.Умаров (2018), В.Н.Платонов (2019),³ каби мутахассисларнинг фикрларига кўра, замонавий спорт гимнастикасида ҳаракат амалларини самарали базасини шакллантириш ва мусобақаларга тайёргарликдан бошқа катта эътиборни талаб қиладиган масалалар йўқ. Ушбу муаммога бўлган қизиқиш йил сайин ортиб бормоқда. Мусобақалардаги муваффақият ёки муваффақиятсизлик боғлиқ бўлган сабабларни излашга амалиётчи тренерлардан ташқари спорт назариячилари ҳам кўшилишган. Чунки, гимнастикачиларни тайёргарлиги энг кичик деталлардан тортиб асосий звеноларни бажаришга қўйиладиган талабларни, уларга қўйилган асосий талаблардан келиб чиққан ҳолда, ҳаракат фаолиятига ўргатиш жараёнини режалаштиришни талаб қилмоқда.

Н.Ж.Булгакова (2003), Т.Бомпа (2003), П.В.Квашук (2003), В.П.Губа (2009), Л.П.Матвеев (2010), Г.М.Хасанова (2011), В.Н.Платонов (2013,2015), С.А.Эштаев (2018), Д.Р.Иштаев (2020) каби мутахассисларнинг таъкидлашича⁴, масъулиятли мусобақаларда ғолиб чиқиш – бу, аввалом бор, конкрет тренировка тизими ва мусобақа амалиётини натижасидир. Илмий-услубий адабиётларда ҳаракатлари мураккаб координацияли бўлган спорт турлари олдида турган муаммоларни ҳал қилишнинг хусусий томонлари баён қилинган. 10-12 ёшли гимнастикачиларнинг тренировка жараёнини ҳаракат тайёргарлиги даражасини самарали ошириш ва назорат қилиш ҳамда тренировка воситаларини ўқув-тренировка машғулотларида ихтисослаштирилган тайёргарлик босқичидаги микро ва мезоциклларда рационал тақсимлаш асосида такомиллаштириш масаласи ҳозирги вақтда етарлича тадқиқ этилмаган ва илмий жиҳатдан асослашни талаб қилади, бу, диссертация ишининг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқоти бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети илмий ишлари концепцияси ва истиқбол режасининг киритилган № V.I-37/4

³Лалаева Е.Ю. Начальное обучение гимнастов на основе базовых упражнений. Автореф. дис.канд, пед. наук. - Волгоград, 2000. -24 с./Платонов В.Н. Двигательные качества и физическая подготовка спортсменов. Издательство «СПОРТ» М.: 2019. -630 с. /Умаров М.Н. Предсоревновательная подготовка гимнастов (Методические рекомендации).Т.: 1995. – 37 с. / Умаров М.Н., Эштаев А.К. Программные требования гимнастики и технология их распределения по годам обучения. Методическое пособие. Т.: 2018. -124 с. / Эштаев А.К. «Структура и распределение средств тренировки гимнастов 6-9 лет на начальном этапе подготовки» Дисс... канд. пед. наук.- Т.: УзГИФК, 2007. -187 с. / Libra J. a kol. Teoriya i metodika sportivni gymnastiki., Jeff Savage. Gymnastics skills, tips, and tricks. – USA. 2012.-P.48-55

⁴Булгакова Н. Ж. Нормирование тренировочных нагрузок с использованием показателей пульсовой энергетической стоимости упражнения// Теория и практика физической культуры. - 2003. - № 5. - С. 23-28. / Матвеев Л.П. Общая теория спорта и ее прикладные аспекты: учебник для вузов физической культуры. 5-е изд. Москва: Советский спорт, 2010. -340 с. / Платонов В.Н. Периодизация спортивной тренировки. Общая теория и ее практическое применение.Киев: Олимпийская литература, 2013. -624 с./ Bompa T. Preparation of young champions. -М.: Astrel, 2003. -P. 259. / Paul Lauren, Martin Buchheit. Science and Applicatoin of High Intensity Interval Training Human Kinetics, 2019.-664 p. (Intervalnaya trenirovka) / Kvashuk P.V. Differentiated approach to construction of training process of young sportsmen at stages of long-term preparation: Autoref. Dr. Sc. theses. - М.: VNIIFK, 2003. - P. 49. / Хасанова Г.М. Рейтинговый уровень упражнений специально физической подготовки в учебно-тренировочном процессе гимнастов // Педагогика таълим.– Ташкент, 2011. -№3. - С. 157-165. / С.А. Эштаев Моделирование соревновательной деятельности гимнастов 13-15 лет на этапе углубленной специализированной подготовки: Автореф. канд. дис. Т., 2018. -24 с.

«Гимнастикачилар ўқув машғулотилари жараёнининг махсус-ҳаракатли машғулотларни такомиллаштириш» мавзусидаги фундаментал илмий-тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўқув машғулоти гуруҳидаги 10-12 ёшли гимнастикачиларни махсус ҳаракат тайёргарлигини базавий элементларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

10-12 ёш гимнастикачиларни антропометрик, морфофункционал ва жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичларини илмий-назарий хусусиятларини ўрганиш асосида спортга умумий лаёқатини аниқлаш ва назорат қилиш;

10-12 ёш гимнастикачиларни модели тавсифларини гимнастика кўпкураши дастури бўйича мусобақалар қоидалари асосида такомиллаштириш учун снарядларда бажариладиган машқларнинг турли вариантларини ишлаб чиқиш;

10-12 ёшли гимнастикачиларнинг махсус ҳаракат тайёргарлигини ривожлантириш учун снарядларда мураккаб координацион ҳаракатларни бажариш бўйича машғулоти тузулишини комбинациялаш;

10-12 ёшли гимнастикачиларни катта ҳажм ва жадалликдаги элементлар ва комбинацияларни ўзлаштириши услубиятини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти Тошкент шаҳар гимнастика турларига ихтисослаштирилган БЎСМ ёш гимнастикачиларнинг ўқув-тренировка жараёни.

Тадқиқотнинг предмети ёш гимнастикачиларнинг махсус ҳаракат тайёргарлигини ривожлантирувчи махсус воситалар ва усуллар.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-услубий адабиётларни ва дастурий ҳужжатларни назарий таҳлил қилиш ва умумлаштириш, педагогик кузатув, мутахассислар ўртасида анкета-сўров ва спорт-педагогик тестлаш, эксперт баҳолаш, педагогик тажриба, математик статистика усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

10-12 ёшли гимнастикачиларни махсус ҳаракат тайёргарлигини ривожлантириш учун уларнинг антропометрик, морфофункционал ва жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларидан келиб чиқиб спорт лаёқатини жорий ва босқичли назорат қилиш ҳисобига машғулотларни мақсадли (индивидуал ва кичик гуруҳлар) танлаш имконияти кенгайтирилган;

гимнастика машғулоти дастурининг кўпкураш турида янги материалларини ўзлаштириш кўрсаткичларидан келиб чиқиб снарядларда мусобақа қоидалари бўйича ҳар бир ёндашувнинг давомийлиги бажариш сони, ушбу турда машғулоти вақтини ва тузулишининг турли вариантларини ишлаб чиқиш ҳисобига модел тавсифлари такомиллаштирилган;

10-12 ёшли гимнастикачиларнинг вестибуляр анализаторларини барқарорлик даражасидан келиб чиқиб снарядларда мураккаб координацияли ҳаракатларни бажаришда махсус айланма ҳаракатларни фаол турларини комбинациялаш ҳисобига махсус ҳаракат тайёргарлиги ривожлантириш

имконияти кенгайтирилган;

10-12 ёшли гимнастикачилар учун бўғимларнинг ҳаракатчанлик даражасидан келиб чиқиб монотонликни йўқотиш учун микроциклларнинг турли йўналишларида юкламаларни ўзгартириш ҳисобига катта ҳажм ва шиддатдаги элементлар ва комбинцияларни ўзлаштириш услубияти такомиллаштирилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: 10-12 ёшли гимнастикачиларнинг ўқув тренировка жараёнини оптималлаштириш ва самарадорлигини ошириш учун жисмоний ривожланиши ва тайёргарлигини аниқлаш асосида махсус ҳаракат тайёргарлигини баҳолаб берувчи спортга яроқлиликнинг мажмуавий харитаси ишлаб чиқилган;

гимнастикада мусобақа қоидалари бўйича машғулот ўтказишнинг турли вариантлари ишлаб чиқилган;

снарядларда бажариладиган машғулотларда гимнастикада махсус айланма ҳаракатларни фаол турларини комбинацион имкониятлари қўлланилган;

10-12 ёшли гимнастикачиларнинг махсус ҳаракат тайёргарлигини ривожлантиришда ишлаб чиқилган илмий тавсиялардан фойдаланилган ва амалий машғулотларда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.

Тадқиқотлардан олинган натижаларнинг ишончлилиги назарий ва услубий база, илмий тадқиқотнинг мантиқий кетма-кетлиги, жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва услубияти соҳасидаги ватанимиз ва чет эл олимлари, шунингдек, амалиётчи мураббийларнинг фикрларига асосланганлиги, тадқиқот вазифаларига мос келувчи ва ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот услубларининг қўлланганлиги, олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил қилиш усуллари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти шундан иборатки ўтказилган педагогик тажрибаларда олинган натижалар асосида 10-12 ёшли гимнастикачиларни махсус ҳаракат тайёргарлигини ривожлантиришнинг моҳияти очиб берилиб юкламалар таъсирида ўзгариш суръатлари тайёргарлик босқичлари бўйича баҳолаш, спорт лаёқатини аниқлаш, ўқув тренировка жараёнида ҳаракатларнинг базавий техникасини мақсадга мувофиқ йўналтиришдаги назарий билимларини бойитиш ва кенгайтириш имконини беради.

Тадқиқот амалий аҳамияти ёш гимнастикачиларни мусобақаларга тайёрлаш учун интеграл тайёргарлик даражасидан келиб чиқиб, техник-тактик тайёргарлиги бўйича спортга яроқлилигини мажмуавий педагогик баҳолашда, спорт мактабларига тадбиқ қилинадиган дастурий-меъёрий ҳужжатларини тузиш ва ишлаб чиқиш имконини яратади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши:

10-12 ёш гимнастикачиларни антропометрик, морфофункционал ва жисмоний тайёргарлиги кўрсаткичлари бўйича умумий спорт лаёқатини

назорат қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар «Гимнастика назарияси ва услубияти» (Ёш гимнастикачиларнинг тайёрлаш услубияти) номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418 сонли буйруғига асосан 418/055 рақамли гувоҳнома). Натижада гимнастикачиларнинг ҳаракат тайёргарлиги 14-16% га яхшиланган;

гимнастика машғулот дастурининг кўпкураш турида снарядларда бажариладиган машғулотлар тузулишининг турли вариантларини қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар «Гимнастика назарияси ва услубияти» (Ёш гимнастикачиларнинг тайёргарлик услубияти) номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418 сонли буйруғига асосан 418/055 рақамли гувоҳнома). Натижада снарядларда машғулотларни ўргатиш имконияти 18% яхшиланган;

10-12 ёшли гимнастикачиларнинг акробатика ва батутда мураккаб координацион ҳаракатларни бажаришда махсус ҳаракат тайёргарлигини комбинациялаш бўйича таклиф ва тавсиялар «Спорт педагогик маҳоратини ошириш» (Гимнастика) номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434 сонли буйруғига асосан 434/296 рақамли гувоҳнома). Натижада мураккаб координация қобилиятлари 12% га яхшиланган;

10-12 ёшли гимнастикачилар учун микроциклларнинг турли йўналишларида юкламаларни хажми ва шиддати элементлар ва комбинацияларни ўзлаштириш услубияти бўйича таклиф ва тавсиялар махсус ҳаракат тайёргарлигини мусобақа қоидаларига мувофиқ ҳар бир элементлар бўйича модел талаблари Тошкент шаҳар Гимнастика спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабида шуғулланувчиларида тадбиқ қилинди (Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 4 декабрдаги 02-07-08-3433 сонли далолатнома). Натижада эса ҳаракат тайёргарлиги даражаларини ишончли ($p < 0,05$) ўсганлигини кўрсатди. Махсус ҳаракат тайёргарлиги бўйича модели даражага мос натижани кўрсатган гимнастикачилар сони, тадбиқ қилинган гуруҳларда 10-11 ёшли гимнастикачиларда (мос равишда 9,5 ва 8,25 балл) 11-12 ёшлиларларникига нисбатан (мос равишда 9,0 ва 8,1 балл) ишончли ($p = 0,05-0,01$) юқори бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда, Гимнастика федерацияси томонидан ўтказилган мураббийлар семинар-тренинггида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий журналларида 6 та мақола (4 таси республика ва 2 таси хорижий

журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўрт бобдан иборат бўлиб, 123 саҳифали матн, 5 та расм, 28 та жадвал, хулоса, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқоти бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқотдан олинган натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий этилиши, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган. Спорт гимнастикаси билан шуғулланадиган ва юқори спорт маҳоратига эга бўлган иқтидорли ёшларни самарали саралашни таъминлашга йўналтирилган омиллар ва қўлланилган воситалар, олимпия захираларини тайёрлаш бўйича ўқув-тренировка машғулотларини ташкил қилиниши, гимнастиканинг спорт турлари бўйича хорижий мактаблар, академиялар ва клублар билан ҳамкорликдаги ишларни фаоллаштириш бўйича ишлар ёритилган.

Диссертациянинг **“Ёш гимнастикачиларнинг махсус ҳаракат тайёргарлигини ривожлантириш муаммоси бўйича махсус адабиётларни таҳлилий шарҳи”** деб номланган биринчи бобида махсус адабиётлар материалларининг таҳлили келтирилган. Таҳлил қилиш, 10-12 ёшли гимнастикачиларни спортда бошланғич ихтисослаштириш босқичини бошланиши билан боғлиқ бўлган масалаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун ўқув-тренировка жараёни структурасини ва ёш гимнастикачиларга кўпкураш турларида дастурий талабларни муваффақиятли ўзлаштиришлари учун зарур бўлган махсус ҳаракатли тайёргарликнинг оптимал даражасини аниқлаш зарур эканлигини кўрсатди. Базавий жисмоний сифатларни, хусусан тайёргарликнинг тадқиқ қилинган босқичида, ривожлантиришга йўналтирилган навбатда қўллаш характери ва ишнинг цикллилиги, ўз навбатида, микро ва мезоциклларнинг структурасини катта, ўрта ва кичкина тренировка юкламаларини навбатда қўллашни ҳисобга олган ҳолда аниқлаш имконини беради. Бир қатор олимлар (А.М.Шлемин, Ю.К.Гавердовский, В.Ю.Менхин, Е.Ю.Розин, В.М.Смолевский, Л.П.Матвеев, Л.Я.Аркаев, Г.М.Хасанова, С.А.Эштаев, Д.Р.Иштаев)нинг 10-12 ёшли гимнастикачиларни ихтисослаштирилган тайёргарлик босқичидаги ўқув-тренировка жараёнини тузишда спорт гимнастикасига қўйиладиган замонавий талабларни ҳисобга олиш орқали яширин захираларини излаб топиш устида тадқиқотлар олиб боришган.

Д.Х.Умаров, М.Н.Умаров, С.А.Эштаев фикрича, ўқув-машғулот гуруҳи гимнастикачилари тайёргарлик босқичида машғулотлар йиллик цикл каби

ярим йиллик цикл бўйича ҳам режалаштирилиши мумкин. Ярим йиллик циклларда ёш гимнастикачилар биринчи ярим йилликда уларда мавжуд бўлган разряд бўйича чиқишлари ва кейинги разряд ўқув материалларига эга бўлгандагина қўлланилади. Бундай ҳолатларда машғулотлар шундай қуриладики, бунда ёш гимнастикачилар ўқув йилининг икки циклида мусобақалашилари, яъни икки мусобақа даврига эга бўлишлари керак деб ҳисобланади

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг услублари ва уни ташкил этиш”** деб номланган иккинчи бобида ўрганилган муаммонинг кўп қиррали ва кенглиги асосланган, уни ташкил қилиш ва тадқиқотларни ўтказишнинг учта босқичи ёритилган.

Биринчи босқичда дастлабки педагогик тадқиқотларнинг қуйидаги вазифалари ҳал қилинди:

талабларни таҳлил қилиш ва қўлланилган усулларни апробациядан ўтказиш, тадқиқотнинг муаммосига, мақсади ва вазифаларига мос келадиган усулларнинг информативлигини ва ишончлилигини аниқлаш;

10-12 ёшли гимнастикачилар тайёргарлигининг интеграл даражасини тавсифлайдиган энг информатив физиологик кўрсаткичлари аниқланди;

ёш гимнастикачиларнинг махсус ҳаракат тайёргарлигини шакллантириш ва улар асосида техник тайёргарликларини такомиллаштириш жараёнида миқдор ва сифат катталикларини аниқлаш.

Иккинчи босқичда – жисмоний ва махсус ҳаракат тайёргарлигини ривожлантириш ва давомийлиги бўйича кичкина ва ўрта бўлган тренировка юкламаларини катталиги ва мақсадга йўналтирилганлиги бўйича навбат билан қўллашнинг оптимал вариантини аниқлаш вазифалари ҳал қилинди.

Учинчи босқичда – асосий педагогик тажриба амалга оширилди. Тажрибанинг вазифалари: махсус ҳаракат тайёргарлиги даражасини янада оширишдан, тренировка воситаларини ўқув-тренировка жараёнида тақсимланишини конкретлаштиришдан; дастлабки тажрибаларнинг натижалари ва спорт мактаби шароитидаги амалий тренировка маълумотлари билан қиёсий таҳлил қилиш материаллари асосида ишлаб чиқилган, тренировканинг кичкина, ўрта ва катта цикларида юкламаларни биз томондан тақлиф қилинган варианты самарадорлигини оширишдан иборат бўлди.

Диссертациянинг **“10-12 ёшли гимнастикачиларнинг ихтисослаштирилган тайёргарлик босқичида ўқув-машғулот жараёнининг хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида, педагогик кузатишлар натижалари ва махсус адабиётлардаги маълумотлар асосида спорт гимнастикаси бўйича БЎСМ №14 ва ИОЗБЎСМ базасида шуғулланадиган ёш гимнастикачиларнинг ўқув-тренировка жараёнини ташкил қилиш ва мазмунининг асосий жиҳатларини ақс этувчи таҳлилий материал келтирилган.

Тадқиқот натижаларида 10-12 ёшли гимнастикачиларнинг антропометрик, морфофункционал кўрсаткичларининг динамикаси

аниқланган (1-жадвалга қаранг).

Ёш гимнастикачилар билан машғулотларни танлаш ва истиқболларини белгилашда антропометрик кўрсаткичларидан тортиб организмни спорт машғулотларига функционал имкониятларини мослашиш даражасидан келиб чиқиб саралашнинг ёш кўрсаткичлари бўйича тавсия этиладиган меъёрий талабларини аниқлаштириб олиш зарур.

1-жадвал

Гимнастикачининг бўй узунлигини кузатиш (см)

Ёши (ёш)	-3	-2	-1	X	+1	+2	+3
12	131.8	134.6	137.4	140.3	143.1	145.9	148.8
11	127.9	130.5	133.2	136.2	138.7	141.4	144.1
10	124.1	126.7	129.3	132.3	134.6	137.2	139.8

10 ёшли гимнастикачиларда снарядларда бажариладиган элементлардан келиб чиқиб бўй кўрсаткичлари 124 см.дан 140 см.гача бўлган кўрсаткичлари орасида бўлиши талаб этилади. Ўртача тана узунлиги кўрсаткичлари 132 см.ни ташкил қилади. Ушбу тана узунлиги кўрсаткичи гимнастика спорт турида мазкур 10 ёшли болаларни саралашда оптимал ёш ҳисобланади.

11 ёшли гимнастикачилар учун тана узунлиги 128 см.дан 144 см.гача бўлган болалар танлаб олинади. Албатта, болаларни танлашда уларнинг антропометрик кўрсаткичларидан ташқари техник элементларни бажариш имкониятлари ва тана узунлиги кўрсаткичларининг ўсиш динамикаси инобатга олинади. 11 ёшли болалар учун саралашнинг энг мақбул кўрсаткич 136 см.ни ташкил қилади.

12 ёшли гимнастикачиларнинг ўртача тана узунлиги кўрсаткичлари 140 см.ни ташкил қилади. Ушбу бўй кўрсаткичи гимнастика спорт турига мазкур ёшда болаларни саралашда оптимал ёш ҳисобланади. Снарядларда бажариладиган элементларнинг даражасидан келиб чиқиб бўй кўрсаткичлари 132 см.дан 149 см.гача бўлган кўрсаткичлари оптимал нисбат ҳисобланди.

2-жадвал

Ёш гимнастикачиларнинг тана вазни ўсишининг динамикаси (кг)

Ёши (ёш)	-3	-2	-1	X	+1	+2	+3
12	25.7	28.4	31.2	33.7	36.3	39.2	41.6
11	23.2	25.6	28.1	30.4	32.8	35.2	37.6
10	21.6	24.0	26.3	28.7	31.3	33.4	35.7

Гимнастика спорт турида спортчининг вазн кўрсаткичи энг муҳим параметрлардан бири ҳисобланади. Ёш гимнастикачилар учун воситаларни танлашда ҳамда машғулотлар тузилишини ўзгартиришда вазн кўрсаткичлари

алоҳида аҳамият касб этади. 10 ёшли гимнастикачиларда снарядларда бажариладиган элементлардан келиб чиқиб вазн кўрсаткичлари ўртача 22 кг.дан 36 кг.гача бўлган кўрсаткичлари орасида бўлиши талаб этилади. Ўртача вазн кўрсаткичлари 28-29 кг.ни ташкил қилади (2-жадвал).

11 ёшли гимнастикачилар учун тана вазни 23 кг.дан 38 кг.гача бўлган болалар танлаб олинади. Албатта, болаларни танлашда уларнинг антропометрик кўрсаткичларидан ташқари техник элементларни бажариш имкониятлари ва вазн кўрсаткичларининг ўсиш динамикаси инобатга олинади. 11 ёшли болалар учун саралашнинг тана вазни ўртача 29-30 кг кўрсаткичи гимнастика спорт турида мазкур ёшли болаларни саралашда оптимал ёш ҳисобланади.

12 ёшли гимнастикачиларнинг ўртача вазн кўрсаткичлари 33-34 кг.ни ташкил қилади. Ушбу вазн кўрсаткичи гимнастика спорт турида мазкур ёшли болаларни саралашда оптимал ҳисобланади. Снарядларда бажариладиган элементларнинг даражасидан келиб чиқиб вазн кўрсаткичлари 26 кг.дан 42 кг.гача бўлган кўрсаткичлари оптимал нисбат ҳисобланади.

3-жадвал

Ёш гимнастикачиларнинг морфофункционал кўрсаткичлар динамикаси (гимнастика)

Ёши (ёш)	ЮҚЧ, уд/мин		n	Панжа кучи, кг			
				ўнг		чап	
	\bar{X}	σ		\bar{X}	σ	\bar{X}	σ
10	78,5	9,6	18	11,8	3,6	10,9	2,9
11	76,7	5,3	18	14,1	4,0	13,7	5,2
12	73,9	6,3	18	14,9	4,1	13,8	4,2

Изох: ЮҚЧ – юрак қисқариши частотаси


Ёш гимнастикачиларни тайёрлашнинг энг муҳим томонларидан бири машғулотларнинг организмга кўрсатаётган морфофункционал кўрсаткичлар динамикасидир. 10 ёшли гимнастикачилар учун ЮҚЧ ўртача 78.5 зарба/мин.ни ташкил қилса, ўнг панжа кучи ўртача 11.8 кг.ни, чап панжа кучи эса-ўртача 10.9 кг.ни ташкил қилиши техник элементларни қийинчиликларсиз бажариш имконини беради (3-жадвал).

11 ёшли гимнастикачилар учун ЮҚЧ ўртача 76.7 зарба/мин.ни ташкил қилса, ўнг панжа кучи ўртача 14 кг.ни, чап панжа кучи эса – ўртача 13.7 кг.ни ташкил қилиши техник элементларни қийинчиликларсиз бажариш имконини беради. Ушбу кўрсаткичлар шуғулланувчиларнинг бош мия ярим шарларини ишлаш имкониятидан келиб чиқиб белгиланади.

Шундай қилиб, ёш гимнастикачиларни тайёрлаш имкониятлари снарядларда бажариладиган элементларни мураккаблик даражасидан келиб чиқиб тўлқинсимон ҳолатда бўлиши аниқланди, бу эса адабиёт манбааларидаги

маълумотларга мос келади. 10, 11, 12 ёшли спортчиларда юрак қон-томир тизимидаги кўрсаткичларида машғулотларга мослашиш имкониятларининг 12 ёшли гимнастикчиларники каби жадал ривожланиш кузатилди.

Гимнастикачилар жисмоний юкламалар сифатида мусобақа комбинацияларини ўзлаштириш вақтида функционал кўрсаткичларни ўзгариш тавсифини аниқлаш учун қуйидаги схема бўйича кўпкураш турларидан бирини бажардилар: ўқув юкламалар ҳажмининг миқдорий хусусиятлари 1 разряд спорт малакасига эга бўлган гимнастикачилар учун катта ҳажмдаги юклама кўрсаткичлари 330-390 элементлар сонини ташкил қилган бўлса, ёндошувлар сони 50-60 ни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткичлар 2 разрядга эга спортчиларда катта ҳажмдаги юклама кўрсаткичлари 290-340 элементлар сонини ташкил қилган бўлса, ёндошувлар сони 60-70 ни ташкил қилди.



1- расм. Ўқув машғулот жараёнининг турли даврларида 10-12 ёшли гимнастикачиларнинг дастлабки ЮҚЧ кўрсаткичларининг ўртача динамикаси (n=54)

Изоҳ: 1 – машғулотгача, 2 – бадан тарбия, 3- 1 снаряд, 4- 2 снаряд, 5 –3 снаряд, 6 – 4 снаряд, 7-ҳаракат сифатларини ривожлантириш, 8- “Стретчинг”

Ўқув машғулот жараёнининг турли даврларида 10-12 ёшли гимнастикачиларнинг дастлабки ЮҚЧ кўрсаткичларининг ўртача динамикаси машғулотгача ўртача 80-100 зарба/мин. оралиғидаги кўрсаткични кўрсатган бўлса, махсус машқлар билан бажарилган ҳаракатларда 140-160 зарба/мин.гача етканлигини кўришимиз мумкин (1 расм).

Снарядларда бажарилган машқларда энг юқори ЮҚЧ кўрсаткичларининг ўртача динамикаси 160-170 зарба/мин.ни ташкил қилди (таяниб сакраш). Снарядларда бажарилган машқларда пулс кўрсаткичлари динамикаси тўлқинсимон тартибда ўзгарганлигини алоҳида эътиборга олиш керак. Чунки ушбу ёшда машқларни юқори шиддатда бажариш ёш гимнастикачиларни тез толиқиб қолишига олиб келади. Биз томонимиздан

ишлаб чиқилган машғулот дастури уларнинг функционал самарадорлигини ҳисобга олиб тўлқинсимон схемада амалга оширилган.

Гимнастикада барча параметрлар асосийларидан бири ҳисобланади. Спортга яроқлилик (СЯ) даражасини ўрганиш гимнастика билан шуғулланиши мумкинлиги (ёки мумкинмаслиги) тўғрисидаги кўрсатмалар бўйича тиббий хулоса бериши керак бўлган шифокор томонидан болани текширишдан бошланиши керак.

4-жадвал

Спортга яроқлилик мажмуавий харитаси

Яроқлилик даражаси	Кўрсаткичлар
Бўйи, см	111,7
Тананинг оғирлиги, кг	20,0
Тана оғирлиги ва бўйининг баҳоси, балл	5,0
Ташқи маълумотлар, балл	(1,0 баллгача)
-бўйин узунлиги	0,3
-қад қомат	0,2
-ёғ қатламини ортиши	-
-қўл шакли	0,1
-оёқ шакли	0,1
Ташқи кўринишни баҳолаш, баҳо	4,3
Ташқи кўринишни умумий баҳолаш, баҳо	9,3
Харакат координацияси, балл	8,0
Мувозанат сақлаш, балл	8,0
20 м.га югуриш., с	5,0
Турган жойидан узунликка сакраш, см.	1,40
Тезкор куч, балл	5,95
Осилган ҳолатдан тортилиш, сони.	8
Осилган ҳолатда оёқларни кўтариш, сони.	12
Таяниб ётган ҳолатда қўлларни букуб ёзиш, сони	14
Динамик куч, балл	6,67
Осилиб бурчак ушлаш, с	18
Статик куч, балл	6,5
Кучнинг умумий баҳоси, балл	6,26
Эгилувчанликдаги хатоликлар учун олиб ташланадиган, сбавка, балл	2,0
Эгилувчанликни умумий баҳоси, балл	6,5
Жисмоний сифатлар учун умумий баҳоси, балл	6,22
Спортга яроқлиликнинг умумий баҳоси, балл	31,52

Ўз навбатида, спортга яроқлиликни аниқлашда мураббийлар метрли ифодага, микдорий баҳоларга бериладиган кўрсаткичларга эътибор бериши керак. Махсус адабиётлар ва дастлабки тадқиқотлар материалларининг

аналитик таҳлилига кўра, уларга қуйидагилар киради. Ташқи маълумотлар ва уларни бой ва вазн кўрсаткичлари, жисмоний ҳолат, жисмоний сифатларнинг ривожланиш даражаси, мувофиқлаштириш қобилиятлари, вестибуляр барқарорлик ва бошқа спорт турлари учун устун бўлган фикрлар нуқтаи назаридан баҳолаш. Охирида спортга яроқлилиқ нафақат у ёки бу белгини характерловчи махсус баҳолар билан, балки уларни балларда комплексли баҳолаш билан ҳам ифодаланади (4-жадвал).

Ю.К.Гавердовский ва бошқа муаллифларнинг тавсиясига кўра, метрли кўрсаткичлардан олинган балли баҳолар статик тақсимотнинг у ёки бу зонасида олинган ўлчовга қараб аниқланиши керак. Бунда кўрсаткич $\pm 1-1,5 \delta$ зонасига тушса, энг юқори баҳо - 2,5 балл қўйилади. Натижа $\pm 2 \delta$ га оғишма зонасига тенг келса, 1,5 балл, $\pm 3 \delta$ га тўғри келса 1 балл билан баҳоланади.

Ташқи маълумотларни баҳолаш учун ажратилган қолган 5 балл, бошқа ташқи маълумотларни субъектив, визуал баҳолашга тўғри келади. Бу бўйин, қўллар оёқларнинг узунлиги ва шакли, қоматдаги учрайдиган оғишлар (сколиоз, кифоз, лордоз борлигида), қорин ва сонларда ёғ бирикмаси даражаси. Хусусан, 4-жадвалда келтирилган ташқи маълумотлардан олиб ташланадиган (сбавка) баллар йиғиндиси 0,7 баллни ташкил этади.

“10-12 ёшли гимнастикачиларнинг махсус ҳаракат тайёргарлигини ривожлантириш дастурини экспериментал асосланиши” деб номланган тўртинчи бобида ёш гимнастикачиларнинг махсус жисмоний тайёргарлиги мониторинги қилиш асосида машғулот юкламаларини бошқариш ва ўқув-машғулот жараёнини режалаштиришда машғулотнинг турли вариантларини ишлаб чиқиш ҳамда, ташкил қилишнинг илмий амалий имкониятлари аниқ далиллар бўйича тадқиқ қилинган.

Ихтисослашган тайёргарликнинг биринчи босқичида спорт мактаби маъмуриятининг имкониятларига боғлиқ ҳолда ҳафтасига 5-6 марталик машғулотлар режалаштирилган. Тайёргарликнинг мазкур босқичида вақтнинг катта қисми хажмли материални ўзлаштиришга (соф тренировка характерида эмас, балки ўқув-тенировка машғулотларидан 70% гача) ажратилган.

Ихтисослашган тайёргарликнинг иккинчи босқичида ЎТГда ҳафтасига 6-9 марталик машғулотларни ташкил қилиш имкониятларини ҳисобга олиш билан ўқув-тенировка ишининг режимини режалаштириш вариантлари аналогик кўриб чиқилган. Кўриниб турибдики, барча босқичларда вақтнинг анча катта қисми ўқув машғулотларига ажратилган бўлиб, уларда гимнастиканинг спецификасидан келиб чиққан ҳолда кейинги спорт разрядининг дастури ўзлаштирилади.

Ўқув-тенировка ишини ҳафта давомида режалаштиришнинг вариантлари аналогик тарзда ЎТГларда ихтисослаштирилган тайёргарликнинг иккинчи босқичида ҳафтасига 6-9 марта машғулотларни ташкил қилиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилган. Кўриниб турибдики, барча босқичларда вақтнинг анча қисми, гимнастиканинг ўзига

хослиги туфайли, кейинги спорт разряди дастурлари ўзлаштириладиган ўқув машғулотларига ажратилади.

Юқори малакали гимнастикачиларнинг замонавий тайёргарлиги кунига 2 ҳатто, 3 марталик машғулотларни талаб қилади. Шу билан бирга, машғулотлар сони ҳафтасига 16-18 тага етади, бу қисқа муддатларда кўп сонли техник ва жисмоний тайёргарлик ҳал этилиши зарур. Тўлақонли машғулот, тикланиш ва дам олиш учун мувофиқ шароитлар мавжуд бўлганда ушбу услубиятни амалга ошириш мумкин.

Тайёргарликни ихтисослаштирилган босқичда гимнастикачилар билан ишлашда мувофиқ шароитларда (ўқув-машғулот йиғини, спорт оромгоҳи, интернат) бир кунда икки марталик машғулот услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Машғулотнинг бундай тартибига доим эътибор қаратиш лозим. Биринчи босқичда гимнастикачиларни залга иккинчи машғулотга келишининг ўзи – анча мураккаб педагогик ва ташкилий-услубий вазифа ҳисобланади.

Тикланиш ва дам олиш учун жумладан, биринчи ва иккинчи машғулотлар орасида мувофиқ шароитлар мавжуд бўлганда 2 марталик машғулотларга ўтиш мумкин. Иккинчи машғулотда биринчи машғулотнинг вазифаларини такрорлаб бўлмайди (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

Бир кунда икки марта ўтказиладиган машғулотлар мазмунини алмаштириш вариантлари

Машғулот №	Вариантлар			
	1	2	3	4
1-машғулот	Машғулот (такомиллаштириш)	Техник тайёргарлик	Асосий машғулот	Базавий юклама
2-машғулот	Ўқитиш	Жисмоний тайёргарлик	Қўшимча машғулот	“Юкломани камайштириш” («Разгрузка»)

Бир марталик машғулотлар вақтида бошланғич тайёргарлик гуруҳлари ва ўқув-машғулот гуруҳларида бошланғич спорт ихтисослик босқичида болалар билан ишлашда индивидуал “уйга вазифа” катта аҳамиятга эга. Қоида бўйича бу куч тайёргарлиги машқлар комплекси, бўғимлар ҳаракатчанлигини ривожлантириш машқлари, мувозанат машқлари, жумладан, қўлларда туришдир.

Машғулот туридан келиб чиқиб, кўпкураш турида унинг тузилмаси ўзгариши мумкин. Бу янги материалларни ўзлаштириш ёки ўзлаштирилган машқларни мустаҳкамлаш кўникмаси билан боғлиқ. Ўзгариш снарядга ҳар бир ёндашувнинг давомийлиги, уларнинг сони, ушбу турда ишлаш вақтига тааллуқли. У ёки бошқа турдаги машғулотларни режалаштиришда мураббий шунга ўхшаш барча хусусиятларни инобатга олиши керак (6-жадвалга қаранг).

Педагогик назорат ҳақиқий кўрсаткичлар билан режалаштирилган натижаларни таққослашни назарда тутди. Шунинг учун мураббий иш режасида кейин таҳлилга дуч келадиган (машқлар мазмуни, уларнинг сони) ҳисоб ва назоратнинг ҳафталик асосий кўрсаткичлари акс эттириши жуда муҳим. Ҳафталик машғулот режа-конспектининг ихчам шакли шунинг учун қўлланилади.

6-жадвал

Кўпкурашнинг битта турида машғулотлар тузилишининг вариантлари

Машғулотларнинг турлари	Махсус баданни қиздириш машқи вақти (с)	Ёндашувларнинг ўртача вақти	Ёндашувлар сони	Битта турдаги вақт
Ўқув	5	5	30	30-40
Ўқув-машғулот	5	10	15	30-35
Машғулот	5	30-40	10	30-35
Моделли	5	30-90	2-3	20-25

Қуйида жисмоний сифатларни барча асосий турлари бўйича 10-12 ёшли гуруҳидаги гимнастикачиларни тестлаш учун маълумотлар келтирилган (7-жадвалга қаранг). Ҳар бир тест балларга кўчириш билан ўлчов бирликлари тизими шкаласи шаклида (сантиметр, сония, такрорлашлар сони, чегирмалар ўлчами ва бошқ.). Ҳар бири 0,5 баллдан ўнта разряд билан баҳолашнинг 10 балли шкаласи қўлланилди. Ҳар бир разряд чегарасида тестлашда олинган у ёки бу катталик кўлами берилади ва мувофиқ равишда баҳолар балларда қўйилади.

Машғулот юкламаларини бошқариш – гимнастикачилар тайёргарлик жараёнининг энг муҳим таркибий қисмидир. Гимнастикада бажарилган элементлар, таяниб сакрашлар сони ва комбинацияларни яхлит ҳисоблаш йўли билан машғулот юклама ҳажмини назорат қилиб бориш қабул қилинган. Юклама кўрсаткичларини бундай усулда ҳисобланиши нисбий бўлиб, фақат маълум контингент гимнастикачиларга яъни спорт-техник тайёргарлигига нисбатан тенг бўлган битта ёш доирасида ахборотли қийматни сақлаб қолади.

Микроциклларда юкламанинг умумий ҳажмини ҳафта давомидаги барча машғулот юкламаларини жамлаш билан аниқлаш мумкин.

